

Алишер Навоий “Хамса”сидаги биринчи достон “Хайрату-л-аброр” (“Яхши кишиларнинг хайратланиши”) 1483 йилда яратилган эди. Достон 3988 байтдан иборат бўлиб, 63 боб, 20 мақолат ва 20 хикоятдан ташкил топган. Шундан КИРИШ (муқаддима) 21 бобни ўз ичига олади.

Достоннинг биринчи боби Куръони каримдаги бош илохий жумла “Бисмиллохир рахмонир рахим” (“Меҳрибон ва раҳмли Оллох номи билан бошлайман”)нинг поэтик шарҳига бағишланган. Бу боб нафакат “Хайрату-л-аброр” учун, балки умуман “Хамса” учун ҳам кириш вазифасини ўтайди, чунки кейинги достонларда биз бу илохий жумлани учратмаймиз.

Хазрат Навоий бу жумлани икки нуктаи назардан таҳлил қилади, яъни қабул қилувчилар ва рад этувчилар. Бунда ушбу жумладаги ҳар бир ҳарфга алоҳида маъно юқлатилади. Дастлаб рад этувчиларга тўхталинар экан, ушбу жумладаги ҳар бир ҳарфнинг бу тоифа кишиларини жазолантиришга хизмат қилдирилганлигини кўраемиз. Хусусан, “□” – “син” ҳарфи ҳақида гапирилганда, унинг шакли наҳанг балигининг умуртка суягидаги аррадек бўлиб, рад этувчилар учун офатдек; “

□” – “мим” ҳарфи илон нафасидек ўт сочиб, йўл бошида оғзини очган холда ётади деган ташбеҳлардан фойдаланилади. Шу тариқа Навоий ушбу жумладаги қолган ҳарфларни ҳам ушбу мақсадга хизмат қилдиради ва китобот (ҳарф) санъатининг бетакрор намунасини яратади.

Иккинчи тоифа, яъни қабул қилувчиларга тўхталинганда энди бу ҳарфларнинг ижобий маъно қасб этишини кузатамиз. Хусусан, “□” “син” ҳарфи энди саломатлик йўлининг зинасига ўхшатилади, “□” – “мим” ҳарфининг мақсад манзилидаги булоқ бошига нисбат берилганлигини кўраемиз. Буларнинг барчасида Навоийнинг юксак бадий салоҳияти намоён бўлади.

Достоннинг иккинчи боби Холик, яъни Оллох ҳамдига бағишланади. Мазкур бобда шоир ҳамма нарса яратган Холикнинг осмон ва қуёшдан тортиб ҳар бир заррани, бутун

Ўсимликлар ва хайвонот оламини, кишилик жамиятини бир-бирига боғлаб харакатлантириб туришини чексиз хайрат билан тасвирлайди. Алишер Навоий “Унинг зоти лутф ва сафодан иборат, лекин вафо иси унга бегона” деган фикрларни илгари сураётган экан, бу ўринда тасаввуф таълимоти асосида фикр юритилаётганлиги маълум бўлади.

Достоннинг 3-6 боблари (тўрт боб) муножотларни ўз ичига олади. Муножотларда дунёдаги барча мавжудотлар ўз яратганига доим сажда қилиши зарур, Худонинг қахри келса, “қўк бир этак кул” каби совурилиб кетиши ҳеч гап эмаслиги таъкидланади. Шунинг учун инсонлар ўйлаб иш қилиши, гуноҳ қилишга йўл қўймаслиги, қиёмат кунини унутмаслиги, ҳар бир гуноҳ учун қиёмат кунини жазо олажагини эсда тутиши, ислом дини қоидаларига тўла риоя қилиши зарурлиги уқтирилади. Навоий охириги муножотда Худого мурожаат қилиб, гуноҳларини кечиришини сўрайди:

Гарчи гунаҳнинг ҳаду поёни йўқ,

Айламанг раҳм ҳам имкони йўқ.

Адабий анъанага кўра муножотдан сўнг пайгамбар мадҳига, яъни наътга ўтилади. Достонда 5 та наът келтирилган. Биринчи наътда тасаввуф таълимотидаги “Нури Мухаммадия” назариясига тўхталинар экан, ушбу назариядаги “Одам Ато унга ҳам ўғил, ҳам ота” деган тушунча таърифи берилади. “Нури Мухаммадия”га кўра Аллоҳ барча оламларни яратишдан олдин Мухаммад нурини яратган бўлиб, шу нур туфайли оламни ва одамни яратган. Демак, Одам Ато ҳам Мухаммад нуридан бино қилинган. Шунинг учун хазрати Мухаммад (с.а.в) Одам Атога ҳам ота, ҳам ўғилдир:

Бўлди санга Одами сабкатнамо,

Аввал ўгул, сўнгра гар ўлса Ато.

Кейинги наътларда пайгамбарнинг болалиги, пайгамбарлик давридаги фаолияти, ноёб инсоний хусусиятлари, меърож туни таърифлари келтирилади.

Достоннинг 12-боби улуг салафлар Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий мадхига багишланган. Дастлаб Низомийга таъриф берилар экан, унинг исмидаги харфлар абжад хисобига кўра 1001 сонига тенг келиши жихатидан Худонинг 1001 исмига хамоханг эканлиги айтилади. Иштикок (ўзакдош сўзларни келтириш) ва ийхом (байтни икки хил маънони кўллаш) санъатлари воситасида у яратган хазина (“Хамса”)га таъриф берилади:

Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез,

Хотири ганжуру тили ганжрез.

Хусрав Дехлавий мадхи келтирилганда эса унинг исмидаги “хусрав” сўзининг подшо маъносини билдириши Дехлавийнинг сўз подшоси сифатида хинд мулкини обод

килганлиги, унинг хар бир достони Хиндистоннинг бир ўлкасига тенг эканлиги билан изоҳланади:

Назми саводи аро хар достон,

Ўйлаки, бир кишвари Хиндустон.

13-боб Нуриддин Абдурахмон Жомий мадҳини ўз ичига олади. Навоий Низомий ва Дехлавийни бир бобда таърифлагани холда устози ва дўсти Абдурахмон Жомийга алоҳида боб бағишлайди. Уни ўша даврнинг “кутби тарикати” деб атар экан, ўзининг унга нисбатан ожиз ва мухтожлигини гоят камтарлик билан баён килса, Жомийнинг янги ёзган бирор асарини ўзидан олдин ҳеч ким кўрмаслигини фахр билан келтириб ўтади:

Номагаким роким этиб хомасин,

Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.

“Хайрату-л-аброр” достонининг ёзилишида айнан Жомийнинг “Тухфату-л-ахрор”

дostonи туртки бўлганлигини айтилади:

Боштин-аёк гавхари шахвор эди,

Кайси гухар, “Тухфату-л-ахрор” эди...

Чун ўкимок замзамаси бўлди бас,

Кўнглум аро дагдага солди хавас.

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,

Бир неча гом ўлса манга хам хиром.

Дostonнинг 14-15-боблари сўз таърифига багишланган. Хазрат Навоий сўзнинг буюклигини “кун” (ярал) сўзининг олам ва одамни яратишда восита бўлганлиги билан далиллайди:

Дахр мукайяд била озодаси,

Борча эрур “коф” ила “нун” зодаси.

Зодасидин зода бўлуб беадад,

Зодага хам волид ўлуб, хам валад.

Алишер Навоий бу ўринда сўзнинг махсули бўлган адабий турлар хакида хам тўхталар экан, назм ва насрга алохида таъриф беради, назмни насрдан устун қўйиб, гулшанда гулларнинг саф тортиб туришини назмга, сочилиб, тўкилиб ерда ётишини насрга ўхшатади. Шоирнинг эътирофича, назм бу кадар эъзозланмаса, Тангри сўзида шеър бўлмас эди:

Бўлмаса эъжоз макомида назм,

Бўлмас эди Тенгри каломида назм.

Шунингдек, Навоий ушбу бобда туркий тилда шеър айтишга кучли иштиёк сезишини ва бу йўлда анча юкори даражага эришганини фахр билан баён килади.

Достонинг 16-боби замона султони Хусайн Бойкаро мадҳини ўз ичига олади. Алишер Навоий бу бобда талмех санъати воситасида Хусайн Бойкарони куч-қудратда Фирдавсий қаҳрамони Рустамга, адолат ва фазлу қамолда Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшидга ўхшатади.

17-боб “Қўнгул таърифиди” деб номланади. Бу бобда Навоий қудратли дехқон (Худо) илк тонгда инсонни яратгандан кейин унга қўнгул ато этганини баён қилар экан, қўнгулни юрак билан адаштирмасликка чақиради. Шоирнинг фикрича, юрак савдогарда ҳам бор, лекин унинг бутун фикри -ёди савдода. Яратганнинг ёди билан яшайдиган инсондагина хақиқий қўнгул бўлади ва угина “аҳли дил” саналиши мумкин. Шунингдек, Навоий қўнгулни олами қубро, Қаъбадан -да улуг жой деб атайди.

Муқаддиманинг қолган уч боби (18-20 боблар) хайрат таърифига бағишланган. Бу бобларда Хожа, яъни қўнгулнинг аввал мулк (нарсалар) оламига, кейин малакут (фаришталар) оламига ва ниҳоят сўнгида “ажойиб бир шаҳар” (инсон танаси)га саёҳати баёни келтирилади ва бу саёҳат қўнгулнинг ўзлигини таниб, инсон танасига қиргани тасвири билан яқунланади. Алишер Навоий бу ўринда “ўзлигини билган Худони ҳам билади” гоъсини илғари суради:

Нафсга чун ориф ўлуб мў-бамў

Фойиз ўлуб “қад арафа раббаху”.

Муқаддиманинг сўнги 21-боби Хожа Баҳоуддин Накшбанд ва унинг халифаси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мадҳига бағишланган. Алишер Навоийнинг муқаддимадаги сўнги

бобни айнан шу шайхларга багишлаши шоирнинг накшбандия сулуки вакили эканлигига ишора эди. Боб ўз ичида икки қисмга ажратилади, биринчи қисм 15 байтдан иборат бўлиб, унинг деярли ҳар бир байтида накш сўзининг турли ҳолат ва шаклларда иштикок (ўзакдош сўзларни келтириш) ва таносуб (маъно ва моҳият жихатидан бир-бирига яқин сўзларни келтириш) санъатлари воситасида қўлланилганлигини кўрамиз. Навоий Баҳоуддин Накшбандни юксак мартабали наккошга, унинг таълимотини мухташам ва дилкаш накшга ўхшатади:

Ҳожаки наккоши сипехри баланд,

Бўлғали ҳар сафҳасига накшбанд.

Айлади аврок мунаккаш босе,

Накш ракам айлади дилкаш босе.

Бобнинг иккинчи қисми накшбандия тариқатининг ўша даврдаги машҳур пирларидан бири Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор мадҳига багишланган. Навоий уни муршиди офок (йўлбошловчи пир) деб улуғлар экан, шохлар унга куллуқ қилишга ўзлари келадилар, ҳатто ҳақиқат сирларидан огоҳлар ҳам унинг ҳузурида ҳушларидан жудо бўладилар деб ёзади:

Юз кўюбон куллугига шохлар,

Базмида бехуд ўлуб огохлар.

Алишер Навоий бобни улуг шайх фаолиятига юксаклик тилаш ва унинг химматидан бахра мандлик умиди билан якунлайди ва бу умид бевосита мукаддимага ҳам якун ясайди:

Кўймасун айвони жахонни тихи,

Дабдабаи кўси Убайдуллахи.

Химматидин бизни ҳам этсун Худой,

Факр йўлида гани, имонга бой.

Достонинг 22-бобидан асосий қисм бошланади. Асосий қисм мақолат ва хикоятлардан ташкил топган 40 бобни ўз ичига олади. Мақолатлар муайян бир ахлокий-фалсафий мавзуга бағишланган бўлиб, шоир дастлаб ушбу мавзуга муносабат билдиради, мавзу юзасидан ўз фикр- мулохазаларини баён қилади, сўнгра шу мавзуга мос ибратли хикоя келтиради. Шу тарика асосий қисм 20 мақолат ва унга илова тарзида келтирилган

хикоятлар баёни тарзида давом этади. Буни куйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Маколот номи

Хикоят

Иймон шархида

Шайх Боязид Бистомий ва унинг муриди хакидаги хикоят

Ислом бобида

Иброхим Адхам ва Робия Адвия хакидаги хикоят

Салотин (султонлар) зикрида

Шох Гозий хикояти

Хирка кийган риёкор шайхлар хусусида

Абдулла Ансорий хакидаги хикоят

Карам (хайру эхсон) васфида

Хотами Тойи хикояти

Адаб

лилик

тўгриси

Нўширавон ва Наргис хакидаги хикоят

Каноат бобида

Каноатли ва каноатсиз икки дўст хакидаги хикоят

Вафо бобида

Икки вафоли ёр хикояти

Ишк ўти таърифида

Шайх Ирокий хакидаги хикоят

Ростлик таърифида

Шер билан Дуррож хикояти

Илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабалилиги хакида

Имом Розий ва Хоразмшоҳ хакидаги хикоят

Калам ва калам ахллари хакида

Ёкут хакидаги хикоят

Булутдек фойда келтирувчи одамлар хакида

Айюб ва ўгри хакидаги хикоят

Осмон тузилишида шикоят

Искандар хакидаги хикоят

Жахолат майининг куйкасини ичадиганлар хакида

Исроилий ринд хакидаги хикоят

Хунасасифат олифталар хакида

Абдуллох Муборак хакидаги хикоят

Бахор йигитлигининг софлиги хакида

Зайнобиддин ва унинг ўгли хакидаги хикоят

Фалак гамхонаси хакида

Гўзал малика ва унинг ошиги хакидаги хикоят

Хуросоннинг мисли йўк вилояти баёнида

Бахром ва бог хакидаги хикоят

Максаднинг ўталгани хакида

Хожа Мухаммад Порсо хакидаги хикоят

Энг аввалги мақолат иймон шарҳига бағишланади. Бу бежиз эмас, зеро достоннинг бош гояси комил инсон тимсолини васф этишдир, комилликнинг бош белгиси эса иймондир:

Кимки жахон ахлида инсон эрур,

Билки нишони анга иймон эрур.

Алишер Навоий “Кимдаки иймоннинг уч белгиси бўлса, у хақиқий инсондир” дейди ва бу белгилар сифатида *сабр, шукр* ва *хаёни кўрсатиб ўтади*:

Бас ани инсон атагил бериё,

Ким ишидур сабр ила шукру хаё.

Комил инсон таърифидан кейин иймон шархига тўхталиб ўтилади. Хазрат Навоий иймоннинг 6 шарти сифатида куйидагиларни келтириб ўтади:

- 1) Хакнинг борлигига иймон келтириш;
- 2) фаришталарга иймон;
- 3) Аллохнинг сўзлари бўлган мукаддас китобларга иймон;
- 4) Пайгамбарларга иймон;
- 5) киёмат кунига иймон;
- 6) тақдири азалга иймон.

Ушбу фикрлардан сўнг Шайх Боязид Бистомий ва унинг муриди хакидаги хикоят келтирилади. Хикоятда бир куни Шайх Боязид Бистомийдан гамгинлик сабабини сўраган муридига шайх бу дунёда хакикий инсонлар камайиб кетганлигидан хафаман деб жавоб беради. Шунда муриди шайхни хакикий инсонлар сафида деб хисоблашини айтганида, шайх ўзини ҳам юз минг сарсон-саргардонлар каторида санашини, агар бу дунёдан иймон билан кетмас экан, инсон саналмаслигини айтади. Хикоятда диний мазмундан ташкари тасаввуфий карашлар ҳам мавжуд бўлиб, бунда тарикатдаги хавф макоми

хакида сўз боради, деб айтиш мумкин. Н.Комиловнинг “Тасаввуф” китобида ёзилишича, хавф тарикатнинг 6-макоми бўлиб, бунда солиқнинг нафс макридан кўркиши, шайтон найрангининг кўнгилга хавф солиши назарда тутилади. Нафс шундай кучли душманки, солиқ тарикатдаги тавба, вараъ, зухд, фақр, сабр каби макомларни эгаллаган бўлишига карамай, нафснинг иймонга дахл қилиши мумкинлигидан доим хавфда бўлади.

Алишер Навоий кейинги мақолатларда ҳам биринчи мақолатда келтирилган бош мавзу – комил инсонга хос сифатлар баёнини давом эттиради. Хусусан, 5- мақолат карам ва саховат, 6- мақолат адаб, 7-мақолат каноат, 8-мақолат вафо, 10-мақолат ростгўйлик таърифидадир. Бу мақолатлар орасида 7-мақолат бадий тимсолларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Навоийнинг фикрича, кимки каноатни ўзига касб қилган бўлса, у энг бой инсондир. Олтин, қумуш ва зебу зийнатларни бойлик деб билмаслик керак, балки хақиқий бойлик каноат хазинасидир:

Кимгаки иш бўлди каноат фани,

Билки, ани қилди каноат гани.

Ганжи тажаммулни гино билмагил,

Балки гино ганжи каноатни бил.

Мазкур мақолатда каноат тушунчаси чиройли ташбехлар ва тамсиллар воситасида ифодалаб берилганлигини кўрамиз. Масалан, осмон канчалик катта бўлмасин, у битта қулча, яъни қуёш билан қун кечиради. Қўз доим шунинг учун равшанки, у меҳроб остида туриб, иккита бодом билан озикланади. Шундай экан, инсонлар каноат бобида осмон ва

кўз сингари бўлишлари керак. Маколатда китобот (харф) санъатининг хам етакчилик килишини кузатиш мумкин:

Кушлар аро шохки, анко дурур,

Нуктае бу амрда пайдо дурур.

Бордур агар фикр ила топсанг вукуф,

Кониъю анкога мувофик хуруф.

Кушларнинг ичида анко шох хисобланади. Бунда маълум бир маъно бор. Агар фикр билан вокиф бўлишни истасанг, “кониъ” ва “анко” сўзларининг ёзилишида харфлар бир-бирига мувофикдир. Ёки

Шох бошининг шарафи тож эмас,

Англа ани шохки, мухтож эмас.

Шох агар ул бўлсаки, мухтождур,

Харф ила мухтожда хам тождур.

Шох бошининг шарофати тождан эмас, кимки мухтож бўлмаса, ўшани шох деб тушун. Мухтожни хам шох деб аташ мумкин бўлса, харф нуктаи назаридан “мухтож” сўзида хам “тож” бор-ку!

Маколатга “Каноатли ва каноатсиз икки дўст” хакидаги хикоят илова тарзида келтирилган. Хикоятда келтирилишича, икки дўст Форс мулкидан Чин мамлакати томон йўлга тушадилар. Бири тақдир берганига каноатли инсон бўлиб, иккинчиси очкўз, тамаъгир эди. Йўлда кетаётиб, бир тошга кўзлари тушади. Унинг ярми ер остида бўлиб, ярми ер юзасига чикиб турарди. Тош устида: “Кимки меҳнат килиб тошни айлантириб кўйса, остидаги афсонада вайрона тагида бекитиб кўйилган хазина хакида ёзиб кўйилган. Кимки бу машаккат, азоб укубатларни хохламаса, унинг учун сабру каноат хаммасидан яхшироқдир” деган ёзув битилган эди. Очкўз йигит ёзувни ўқигач, хазина илинжида тош остини казишга тушиб кетади. Каноатли одам эса бепарво тарзда шаҳар томон йўл олади. Шаҳарга кирадиган бир неча дарвоза бўлиб, у шаҳарга биринчи бўлиб киради. Шаҳар аҳолисининг одатига кўра, мамлакат подшохи казо килса, дарвозадан биринчи кирган одамни подшоҳ килиб кўтарар эканлар. Шу тариқа бу дўст ўз каноати тўфайли мамлакатга подшоҳ бўлади. Унинг тош остини казиётган дўсти эса оғир меҳнатни бажариб бўлгач, тошни ағдариб караса, “Хом тамаъ бу дунёда алам чекади” деб ёзиб кўйилган экан. Хулоса шуки, каноатли инсон ўз сабру каноати тўфайли шох мартабасига эришади, каноатсиз инсон эса тамаъ илинжида хору зор бўлади.

“Хайрату-л-аброр” достонида хотима хам ўзига хос ўринга эга. Достоннинг 62-63-боблари хазрат Навоийнинг хулоса ва якуний фикрларини ўз ичига олади. 62-бобда Навоий достонни яратиш орзусидан бошлаб уни тугатгунича бўлган жараён хакида ёзар экан, достонни ёзиш хаёли унга тинчлик бермагани, элу юрт хизмати, халк арз-додини тинглаш уни асосий максаддан чалгитса-да, Худонинг ўзи унга марҳамат кўрсатиб, ниҳоят бу улуг муддаони поёнига етказганини бетакрор ташбеҳлар воситасида баён килиб беради. Боб сўнгида Навоий гоъят назокат ва камтарлик билан агар ёзганлари элга манзур бўлмаса, уни афв этишларини сўраб, Аллоҳга илтижо килади:

Жилва бер эл кўзига хам хўб ани,

Килгил улус кўнглига маргуб ани.

Хар нечаким, журмум эрур печ-печ,

Лекин эрур рахматинг олинда хеч.

63-бобда оёғи тойиб кетиб, косадаги ошни шохнинг бошига тўкиб юборган ва олижаноб шохнинг хижолатдан ўлар холатга етган бу кулни афв этгани хакидаги хикоят берилади ва бу хикоят бевосита 62-бобга хамоханг тарзда, унга иловадек келтирилади. Навоий Аллохни олижаноб шохга, ўзини оёғи тойиб кетган кулга ўхшатар экан, шундай ёзади:

Хар неча кўп бўлса гунохим менинг,

Шукрки, бор сендек илохим менинг.

Хижлат ила колмади худ жом манга,

Ери дурур айласанг эхсон манга.

“Хайрату-л-аброр” достонида кун тартибига кўйилган масалалар бевосита “Хамса”нинг кейинги достонларида ҳам давом этади, хусусан, комил инсонга хос адаб, каноат, карам ва саховат, футувват, ростлик, вафо каби хислатлар билан боглик масалалар “Фарход ва Ширин” достони, “Сабъаи сайёр” таркибидаги хикоятлар, “Садди Искандарий” достонларида янгича талкин топганлигини кўрамиз.

Достон аруз тизимининг сариъ бахри – сариъи мусаддаси матвийи макшувф (рукнлари ва тактиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун – VV – / – V V – / – V –) вазнида ёзилган. Бу вазн панду насихат мазмунидаги фикрларни баён килишга ниҳоятда кулай бўлганлиги сабабли достон учун асосий шеърий ўлчов вазифасини ўтаган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий Алишер. Хайратул аброр. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1991. 7-жилд.
2. Navoiy Alisher. Hayrat ul-abror. – Т.: G'.G'ulom nomidagi NMIU, 2006.

3. Навоий Алишер. Хайратул-аброр (насрий баёни билан). Тахрир хайъати: А.Каюмов ва бошк: – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

4. Мухиддинов М. Комил инсон - адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005.

5. Рустамов А. Навоийнинг бадий махорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

6. Каюмов А. “Хайрат ул-аброр” талкини. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.

7. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Т.: O'zYU Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.

Дилнавоз Юсупова